

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1439-ҳадис

1439 – وَعَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مُعَقَّبَاتٌ لَا يَخِيبُ قَائِلُهُنَّ - [] أَوْ فَاعِلُهُنَّ - [] دُبُرُ كُلِّ صَلَاةٍ مَكْتُوبَةٍ: ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ تَسْبِيحَةً، وَثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ لَحْمِيْدَةً، وَأَرْبَعًا وَثَلَاثِينَ تَكْبِيْرَةً». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [596].

1439. Каъб ибн Ужра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Муъаққибалар* бор, уларни ҳар бир фарз намоздан кейин айтган [ёки бажарган] ноумид бўлмайди: ўттиз учта тасбеҳ, ўттиз учта таҳмид, ўттиз учта такбир».

* «Муъаққиб» - ортидан қувадиган, таъқиб қилувчи дегани бўлиб, намоз кетидан айтиладиган тасбеҳ ва зикрларга айтилади.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Юқоридаги уч ҳадиснинг барчасида намоздан кейинги тасбеҳлар келган. Бу уч зикрнинг алоҳида воқеаси бор. Ҳамма нарсасини Маккада ташлаб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ёрдам бериш ва шу сабабли Аллоҳнинг розилигига эришишни хоҳлаб Мадинага ҳижрат қилган саҳобалар, савоб олиш учун бир-бирларидан ортда қолиб кетишни хоҳлашмас эди. Чунки дунё, савоб ишлаш борасида мусобақа майдони эканини билар эдилар. Шу сабабли Аллоҳнинг Расули уларга бу уч зикрни тавсия қилди ва бу зикр орқали ўзиб кетганларга етиб олишни, кейингилардан ўзиб кетишларини, яъни бу зикрни айтмаганлардан ўзиб кетишларини, фақат савоби кўп бўлганлар ҳам бу зикрни айтсагина бир хил савоб берилишини айтганлар. Шундай қилиб минг йиллардан кейин келадиган умматнинг ҳам бу тавсияларни амалга оширган тақдирда жуда катта савобга эга бўлишларини хабарини берди.

Иккинчи ҳадис биринчи ҳадисни тўлдирмоқда. Тўқсон тўққиз тасбеҳдан кейин юзинчи қилиб «Лаа илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ» деб бошланган зикрни айтиш керак эканлигини билдиради.

Учинчи ҳадис олдинги ҳадислар билан бир хил бўлиш билан баробар қўшимча икки масала хусусида сўз юритган.

Биринчиси, бу зикрларнинг фарз намоздан кейин ўқилиши, иккинчиси эса, зикрларнинг адади юзга етиши учун ўттиз уч эмас, ўттиз тўрт мартаба айтилишидир.

Ундай бўлса Жаноби Ҳақнинг ҳар турли нуқсонликлардан муназзаҳ эканлигини билдирган «Субҳаналлоҳ», ҳар турли мукамалликнинг Аллоҳгагина ҳос эканини билдирган «Алҳамдулиллаҳ», Аллоҳнинг буюклигини билдирган «Аллоҳу акбар» зикрларини айтишни эсдан чиқармаслигимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz

